



## ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҒИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРИ СИФАТИДА

**Тургунбоев Эльбекжон Одилжонович**

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6369601>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 17-mart 2022

### KALIT SO'ZLAR

жазо, жиноят, озод қилиш, қисман озод қилиш, енгилроғи билан алмаштириш, шартлар, маҳқум, ҳулқ-атвор, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, муддатлар.

Жазодан озод қилиш институтини қўллаш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилиб жазодан озод қилишни қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

- жазодан тўла озод қилиш;
- жазодан қисман озод қилишдир.

Жазодан тўла озод қилишда суд айблов ҳукми чиқаради ва жазони белгилаб, белгиланган жазони ижро этмаслик тўғрисида ҳукм қилади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш жазодан озод қилишнинг бир тури бўлиб, шахсга нисбатан тайинланган жазо турига нисбатан енгилроқ турдаги жазо билан алмаштиришдан иборатдир. Унинг ҳуқуқий асоси юқорида келтирилганидек, Жиноят кодексининг 74-моддасида

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада муаллиф жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида жазони енгилроғи билан алмаштириш шакли, унинг тушунчаси, унга оид мулоҳазалар, мазкур институт юзасидан баҳс-мунозаралар, уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан нуқтаи назарларни жиноят қонуни нормалари таҳлили асосида баён этган.

белгиланган. Ушбу норма жиноят ҳуқуқий норма рағбатлантирувчи ҳуқуқий норма ҳисобланади. “Жиноий ҳуқуқий рағбатлантирувчи норма билан тартибга солинадиган маъқулланувчи ижобий хатти-ҳаракатни хусусияти шундаки, у жамият, давлат учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам ижтимоий жиҳатдан аҳамиятлидир. Чунки, у жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жазони енгиллаштириш ва бошқа айрим ижобий ҳуқуқий чораларини қўллаш имконини берувчи муайян ундовчи (рағбатлантирувчи) омиллар бўлган турли хил ижобий ҳуқуқий оқибатлар



келиб чиқишига имкон берувчи асосдир”<sup>1</sup>.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш – жазони ўташ даврида уни индивидуллаштириш принципини амалга оширишнинг мустақил шакли бўлиб, маҳкум суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми билан бирга бошқа бир енгилроқ жазони ўташи керак бўлади.

“Жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришни ҳуқуқий табиатини кўриб чиқишда шуни қайд этиш лозимки, суд томонидан жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллашнинг асосий мақсади маҳкумни ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришдир. Ушбу ижтимоий, ҳуқуқий мазмуни ҳукм қилинган шахснинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш орқали жазони қўллашдан кўзланган мақсадларнинг самарадорлигини оширишдир”<sup>2</sup>.

Жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаган ҳолда жазодан озод қилишда шахсни унга тайинланган жазодан озод қилишни нисбий тушуниш керак. Жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан фарқли равишда жазони енгилроғи билан алмаштиришда маҳкумга тайинланган жазодан унга нисбатан енгилроқ бўлган бошқа жазо тайинлаш орқали озод этилади. Яъни, бунда маҳкум унга аввал тайинланган муайян жиноий жазодан озод этилади, лекин унга

олдинги жазога нисбатан унинг ўталмай қолган қисми бошқа жиноий жазо тайинлаш орқали озод этилади. Бунда маҳкум жиноий жазодан тўлиқ озод этилмайди, балки унга тайинланган жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилади.

Жиноят кодексида жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қўллаш асослари ва шартлари маҳкумга жазонинг мақсадларига бошқа енгилроқ жазо қўллаш орқали ҳам эришиш мумкинлигини ҳисобга олинган ҳолда белгиланган.

Жиноий жазо маҳкумдан ўч олиш мақсадида белгиланмайди ва ижро этилмайди, балки уни тарбиялаш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, шунингдек маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир қилинишини олдини олиш мақсадида белгиланади. Шу боис жазо белгилаш ва уни ижро этиш агар муайян ҳолатда давлат ихтиёридаги бошқа таъсир чоралари орқали кўзланган мақсадларга эришиш имконини бермаганда зарур деб топилади. Агар кўзланган мақсадларга жиноий жазони қўлламасдан ҳам эришилса, бошқа услуб, усул ва воситалар билан ижро қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, кам самара беради. Жазонинг ушбу мақсадини амалга ошириш учун шахсга тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириб ҳам кўзланган мақсадга эришилса жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш асослари ва қўллаш шартлари деганда уни қўллаш учун қандай ҳолатлар

<sup>1</sup> Р.Р.Шакуров. Ижобий хатти-ҳаракатни жиноий ҳуқуқий рағбатлантиришнинг ижтимоий шартланганлиги ва моҳияти. Ўқув қўлланма. ИИВ академияси. Тошкент-2006. 13-бет.

<sup>2</sup> Нурмиев М.М. Заменяющие наказания по российскому уголовному праву: Диссертация. канд. юрид. наук. – Казань. 2005 г. – С.133.



мавжуд бўлиши ва ким томонидан, қанча муддатларда амалга оширилиши тушунилади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллаш шартлари ва тартиби қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси ва 90-моддаси (вояга етмаганларга нисбатан жазони енгилроғи билан алмаштириш);

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 536-моддаси

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия Кодексининг 164-моддаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми Қарорлари.

Жиноят кодексининг 74-моддасида белгиланган жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллаш шартларини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу шартларни қуйидаги тўрт гуруҳга жаратишимиз мумкин:

– алмаштириладиган жазо билан боғлиқ шартлар;

– маҳкумнинг хулқ-атвори билан боғлиқ билан шартлар;

– жазони енгилроғи билан алмаштириш учун жазонинг ўталиши билан боғлиқ бўлган муддатлар;

– жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланиладиган маҳкумлар тоифаларига қўйилган талаблар.

Ушбу учала шартнинг бир вақтда ва белгиланган меъёрларда бўлиши жазони енгилроғи билан алмаштиришга асос бўлади.

Жазони енгилроғи билан алмаштиришда маҳкумга тайинланган

озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисми улардан енгилроқ бўлган бошқа жиноий жазоларга алмаштирилиши мумкин.

Жиноят қонунчилигида жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши белгиланган бўлсада, лекин қонун чиқарувчи ўталмай қолган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш алмаштириш натижасида

белгиланадиган жазо айнан қанча миқдорда ва қанча муддатда, яъни ушбу жазонинг аниқ меъёрини белгилаб бермаган. Шунинг учун бу борада икки хил шарҳланишига олиб келиши мумкин. Биринчиси,

озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисми айнан шу муддатга тенг бўлган муддатда бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Иккинчиси эса

озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларининг бошқа жазоларга нисбатан Жиноят кодексида белгиланган қанча миқдори бошқа жазоларнинг қанча миқдорига тўғри келишини ҳисоблаб чиқиб озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмига мутаносиб миқдорда тайинланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш қўллаш шартларининг маҳкумнинг хулқ-атвори билан боғлиқ шартлар – озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш ҳисобланади.

Жазонинг енгилроғи билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисидаги



масаланинг вужудга келиши учун асос билан бирга суднинг шахсни тузалиш йўлига кирганлигига ишончи ҳам мавжуд бўлиши лозим. Шахснинг тузалиш йўлига кирганлиги учун унинг озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш жойларида белгиланган тартиб талабларини бажариши ва унинг меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши кафолат беради. Ушбу асослар ва шартлар мавжуд бўлган ҳолатларда жазони енгилроғи билан алмаштирилишига йўл қўйилади.

Маҳкумнинг озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариши ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши маҳкумнинг хулқ-атвори билан боғлиқ жазони енгилроғи билан алмаштириш шартлари ҳисобланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш учун маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини

ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида жазони енгилроғи билан алмаштириш мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам белгиланган. Ушбу ҳолат белгиланган шахслар доираси уларнинг ижтимоий хавфлилик жиҳатидан бошқа тоифадаги шахсларга нисбатан юқорилилиги, уларнинг айримларига илгари ҳам жазодан озод қилиш турлари қўлланилганлиги, уларга нисбатан жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб жиноят содир этган шахсга нисбатан жазони енгилроқ жазо билан алмаштирилганда шахс тайинланган енгил жазони ўташ вақтида қасддан янги жиноят содир қилса, Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланади. Аммо бунда алмаштирилган енгилроқ турдаги жазонинг ўталган қисми ҳам жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш институтини қўллаш тартиби ва унинг жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжудки, жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби, унинг амалга ошириш жараёни жиноят процесси ва жиноят ижроия ҳуқуқида белгиланган.

Юқорида таъкидланганидек, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳам жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади. Ушбу институт жазодан озод қилишнинг бир тури бўлиши



билан бирга, у жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан ўзининг қўлланиш асослари, шартлари ва ҳуқуқий оқибатларига кўра фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйида жазони енгилроғи билан алмаштиришни жазодан озод қилишнинг бошқа турлари билан солиштириш орқали бу фарқлар кўрсатилади.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жазодан озод қилиш билан жазони енгилроғи билан алмаштиришни фарқли томонлари хусусида сўз юритганда, қайд этиш керакки, жазони жро этиш муддати ўтиб кетганлиги туфайли жазодан озод қилишда тайинланган жазо ижро этилмайди ва шахс ЖКнинг 69-моддасида назарда тутилган муддатлар мавжуд бўлса жазодан бутунлай озод қилинади. Жазони енгилроғи билан алмаштиришда эса шахс унга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилишни муайян муддатини ижро этади ва унга тайинланган жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилади.

Шахсни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш билан жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг фарқли томони шундаки, шахсни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар бу жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб,

ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилганлигидир. Жазонинг енгилроғи билан қўллаш учун асослар ва шартлари эса тайинланган жазо ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлишлиги, маҳкум ушбу жазони ўташ тартиб қоидаларини бажариши, меҳнатга нисбатан ҳалол муносабатда бўлиши, жазони енгилроғи билан алмаштириш учун тайинланган жазони ЖКнинг 74-моддасида белгиланган муддатлар ўталган бўлиши, шахс эса жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилиши мумкин бўлмаган шахслар доирасига кирмаслигидир.

Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилишбилан жазони енгилроғи билан алмаштиришни фарқли томонлари шунда кўринадикки, амнистия акти ёки авф этиш асосида шахс асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Жазони енгилроғи билан алмаштиришда эса шахсга нисбатан аввал ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлади ва улар бу жазоларнинг муайян муддатини ижро этади ва унга тайинланган жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шахс енгилроқ жазони ижро этишни давом эттиради.

жазони енгилроғи билан алмаштириш жазодан озод қилишнинг турларидан бири бўлиб, жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.



Жазони енгилроғи билан алмаштириш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида мустақамланиши мамлакатимиз жиноят ҳуқуқий сиёсатининг инсонпарварлик тамойилларига асосланишини кўрсатади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш – жазони ўташ даврида уни индивидуаллаштириш принципини амалга оширишнинг мустақил шакли бўлиб, маҳкум суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини бошқа бир енгилроқ жазога алмаштиришдир. Жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш учун шахсга тайинланган жазо ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлишлиги, маҳкум ушбу жазони ўташ тартиб қоидаларини бажариши, меҳнатга нисбатан ҳалол муносабатда бўлиши, жазони енгилроғи билан алмаштириш учун тайинланган жазони ЖКда

белгиланган муддатлари ўталган бўлиши, шахс эса жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилиши мумкин бўлмаган шахслар доирасига кирмаслиги лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу институт жазодан озод қилишнинг бошқа турларидан фарқли равишда жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилганда маҳкум жиноий жазодан бутунлай озод этилмайди, лекин унга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум этиш жазосидан уларга нисбатан бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш орқали озод этилади. Яъни, бунда маҳкум унга аввал тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум этиш жазоларидан озод этилади, лекин унга ушбу нисбатан ушбу жазоларнинг ўталмай қолган қисми бошқа жиноий жазо билан алмаштирилади.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.
3. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 2. Jazo haqida ta'limot. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – T.:O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. B. 197.
4. Ботиров Ф.К. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг асоси сифатида инсонпарварлик принципининг амалга оширилиши: 12.00.08- Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноят-ижроия ҳуқуқи



йўналиши бўйича ю.ф.н. илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2006, -Б.54.

5. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2012. Б.398.
6. Нарбутаев Э.Х. Об основных принципиальных положениях, реализуемых в ходе судебно – правовой реформы // Давлат ва ҳуқуқ. 2003. №2(14). -С. 44-45.
7. Нурмимев М.М. Заменяющие наказания по российскому уголовному праву: Диссертация. канд. юрид. наук. – Казань. 2005 г. – С.133.
8. Р.Р.Шакуров. Ижобий хатти-ҳаракатни жиноий ҳуқуқий рағбатлантиришининг ижтимоий шартланганлиги ва моҳияти. Ўқув қўлланма. ИИВ академияси. Тошкент-2006. 13-бет.